



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Ўзбек геология қидирув» АЖ

**Кузатув кенгашининг
2026 йил 18 мартдаги**

№ 03-2026-сон қарори билан

**«ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ХУЗУРИДАГИ СТРАТЕГИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР
ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Тошкент – 2026

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда — Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ–101-сонли “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли “2021–2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда — Жамият) Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар бўйича қўмитанинг (кейинги ўринларда — Қўмита) ҳуқуқий мақоми, таркиби, ваколатлари ва иш тартибини белгилайди.

1.2. Қўмита Жамият Кузатув кенгашининг қарори асосида энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамият Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш мақсадида ташкил этилади. Қўмита Жамият Кузатув кенгашининг доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади.

1.3. Қўмита ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, Жамият устави ва мазкур Низом асосида амалга оширади.

II. Қўмитанинг роли

2.1. Стратегия ва инвестициялар бўйича қўмита Жамият Кузатув кенгашига стратегик раҳбарлик ва назорат функцияларини амалга оширишда қўмаклашади, Жамиятнинг стратегик ривожланиши ва инвестиция фаолияти масалалари бўйича хулосалар ҳамда тавсиялар тайёрлайди.

2.2. Қўмита маслаҳат берувчи функцияни амалга оширади ва Жамият Кузатув кенгаши ҳамда ижроия органи функцияларини алмаштирмайди, шунингдек улар ваколатига кирувчи бошқарув қарорларини қабул қилмайди.

III. Стратегия ва инвестициялар бўйича қўмита таркиби

3.1. Қўмита фақат Жамият Кузатув кенгашининг уч нафар аъзосидан шакллантирилади.

3.2. Қўмита аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раиси тавсиясига кўра, Кузатув кенгаши аъзолари орасидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Қўмита раиси Қўмита аъзолари орасидан Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўмита раиси Жамият Кузатув кенгаши раиси бўлмаслиги керак.

3.3. Қўмита таркибига сайланган Кузатув кенгаши аъзолари чекланмаган миқдорда қайта сайланиши мумкин.

3.4. Қўмита аъзолари стратегик ва устувор йўналишларни белгилаш, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг Жамият акциядорлик қийматини оширишга таъсирини таҳлил қилиш мақсад ва вазифаларига мос малака ва/ёки тажрибага эга бўлиши керак. Қўмита аъзоларидан камида бири стратегик режалаштириш соҳасида кўп йиллик тажрибага, камида бири эса инвестициялар самарадорлигини баҳолаш бўйича тажрибага эга бўлиши лозим.

3.5. Қўмитага раҳбарлик қилиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади. Қўмита раиси вақтинча бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини бажариш Қўмита аъзоларидан бирига юклатилиши мумкин.

3.6. Қўмита аъзолари ўртасида вазифалар тақсимоли Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

IV. Стратегия ва инвестициялар бўйича қўмитанинг асосий вазифалари

4.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларида фаолият юритиш, хусусан, узок муддатли истиқболда Жамият фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек унинг активлари, рентабеллиги ва инвестицион жозибадорлигини кўпайтиришга ҳисса қўшиш;
- Жамият фаолиятининг стратегик мақсадларини белгилаш, Жамият стратегиясини амалга оширилиши устидан назорат қилиш ва Кузатув кенгашига тегишли тавсиялар тақдим этиш;
- Жамиятнинг амалдаги ривожланиш стратегиясига ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантириш;
- Жамиятнинг дивиденд сиёсати бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш бўйича ихтиёрий ва мажбурий таклифларни баҳолаш;
- Жамият ва у томонидан назорат қилинадиган ташкилотларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;
- Жамият ва у томонидан назорат қилинадиган ташкилотларнинг ташкилий тузилмасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш;
- Жамият ва у томонидан назорат қилинадиган юридик шахслар бизнес-жараёнларини қайта ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;
- Жамиятнинг инвестиция фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ва уларнинг Жамият акциядорлик қийматининг ўсишига таъсирини баҳолаш;
- Қўмита фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва уни Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ҳамда бошқа ҳужжатларига киритиш учун тақдим этиш;
- Жамият фаолиятининг экологик ва иқлим самарадорлиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш, шунингдек Жамият ривожланиш стратегияси ва инвестиция фаолиятини кўриб чиқишда тегишли омилларни ҳисобга олиш;
- Жамият фаолияти ва барқарор ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим стратегик, инвестицион, бозор ва бошқа хавф-хатарларни кўриб чиқиш;
- Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

4.2. Стратегик ривожланиш ва инвестиция фаолиятида хавф-хатарларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Қўмита:

- Жамиятнинг ривожланиш стратегияси ва инвестиция сиёсатини кўриб чиқишда иштирок этади ҳамда Кузатув кенгашига тегишли тавсиялар тақдим этади;
- Жамият фаолиятининг стратегик ва устувор йўналишлари ижросини, шунингдек унинг инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолашни ўтказиш ташаббуси билан Кузатув кенгашига мурожаат қилади;
- Стратегик ривожланиш ва инвестиция фаолияти масалалари бўйича Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради.

V. Стратегия ва инвестициялар бўйича қўмита мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

5.1. Қўмита мажлиси Қўмита раиси томонидан ўз ташаббуси билан, Қўмита аъзоларининг талаби асосида, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ёзма талаби асосида чақирилади.

5.2. Қўмита ўз мажлисларини ҳар бир чорак якуни бўйича, зарурат туғилганда эса ойма-ой ўтказиши мумкин. Мажлислар Қўмита аъзоларининг шахсий иштирокида ёки алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин. Қўмита ўз мажлисларига Жамият ижроия органи ва бошқа шахсларни таклиф қилиши, шунингдек зарурат туғилганда улардан маълумот сўраши мумкин.

5.3. Агар тезкор ҳал этилишини талаб қиладиган қоидабузарликлар аниқланса, Қўмита аъзолари Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлисини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Қўмита ўз мажлисларини Жамият Кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказади.

5.5. Қўмита раиси мажлис иштирокчиларига мажлисга муносиб тайёргарлик кўриш ва кўриб чиқиладиган масалалар муҳокамасида фаол иштирок этиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Қўмита аъзолари мажлисларга тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш учун етарли вақт ажратишлари лозим.

5.6. Агар унда Қўмита аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Бунда Қўмита раиси иштирок этиши мажбурий ҳисобланади.

5.7. Қўмита мажлисида қарорлар иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.8. Мажлисда масалаларни кўриб чиқишда ҳар бир Қўмита аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қўмита қарорига рози бўлмаган аъзо ўзининг алоҳида фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга ва у мажлис баённомасига мажбурий тарзда илова қилинади ҳамда Кузатув кенгашига етказилади.

5.9. Қўмита қарорлари Қўмита мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома Қўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда иштирок этган Қўмита аъзолари томонидан имзоланади.

5.10. Қўмита мажлислари котиби вазифаларини Жамиятнинг бизнесни истиқболли ривожлантириш бўйича бўлинмаси раҳбари ёки Жамиятда инвестицияларни жалб қилиш учун масъул бўлинма раҳбари бажаради.

5.11. Қўмита раиси:

- Қўмита ишини ташкил этади;
- Қўмита мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади;
- Қўмита мажлислари баённомаларини юритилишини ташкил этади.
- Жамиятнинг ички норматив ҳужжатлари ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

5.12. Қўмита котиби:

- Қўмита мажлисларининг баённомаларини юритади ва расмийлаштиради;
- Қўмита мажлислари кун тартибига киритилган масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим этади;
- Қўмита қарорлари, хулосалари ва баённомаларини уларни олувчиларга етказиши.

5.13. Жамиятнинг бизнесни истиқболли ривожлантириш бўйича бўлинмаси раҳбари, инвестицияларни жалб қилиш учун масъул бўлинма раҳбари, шунингдек уларнинг ходимлари Қўмита мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этишлари мумкин.

5.14. Қўмита ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Қўмита Жамият Кузатув кенгашига тақдим этиш учун тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқади. Қўмита тавсиялари асосида қабул қилинган Кузатув кенгаши қарорлари белгиланган тартибда Жамиятнинг ижро этувчи органи ва мансабдор шахслари томонидан бажарилиши шарт.

VI. Стратегия ва инвестициялар бўйича Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Қўмита аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият ижро этувчи органи аъзолари ва бошқа мансабдор шахслардан ўз фаолияти учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш;
- Жамиятнинг бизнесни истиқболли ривожлантириш бўлинмаси ҳамда инвестицияларни жалб қилиш учун масъул бўлинмадан ҳужжатлар ва материалларни сўраш ва улардан фойдаланиш;
- Жамиятга катта моддий зарар етказган ёки етказиши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ижро этувчи орган мажлисини чақиришни талаб қилиш;
- Жамият таркибий бўлинмалари ходимларидан, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;

- Айбдор ходимларни интизомий, мулкый ёки бошқа жавобгарликка тортиш масаласини раҳбарият кўриб чиқиши учун киритиш;
- Жамиятнинг бирламчи бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш;
- Зарур ҳолларда, Қўмита қарорлари ва топшириқларини бажариш ҳамда мажлисларда иштирок этиш учун Қўмита раиси қарорига биноан Жамият раҳбарларини ва Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини даврий ёки доимий асосда таклиф қилиш;
- Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича, агар Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганиш талаб этилса, ўз ташаббуси билан Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталари фикрини сўраш;
- Муҳокама қилинаётган масалалар бўйича белгиланган регламент вақти доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар ва қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш.
- Ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш ҳамда уларни кейинчалик Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун тақдим этиш;
- Тақдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни Жамият Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритиш;
- Қўмита мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар бўйича таклифлар киритиш.

6.2. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

- Қўмита ишида иштирок этиш ва унинг барча мунтазам мажлисларида қатнашиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ушбу Низом, Жамият Устави ва ички ҳужжатларга мувофиқ юклатилган мажбуриятларни бажариш, ўз фаолиятини виждонан амалга ошириш;
- Тегишли тармоқ ва иқтисодиётда юз бераётган тенденцияларни, ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқларни ҳамда Жамият ривожини учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳаларни кузатиб бориш;
- Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва қонуний қўшимчаларини ҳимоя қилиш тамойиллари асосида фаолият юритиш;
- Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик, махфийлик талабларига риоя қилиш.

6.3. Қўмита аъзолари Қўмита мажлисларида шахсан иштирок этишлари шарт. Агар аъзо мажлисда иштирок эта олмаса, у ўзининг қатнашмаслик сабабларини кўрсатган ҳолда бу ҳақда Қўмитани олдиндан хабардор қилиши лозим.

VII. Стратегия ва инвестициялар бўйича Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги

7.1. Қўмита аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш жараёнида Жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишлари ва белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари лозим.

7.2. Қўмита аъзолари Жамиятга зарар етказган қарорлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар, агар улар мазкур қарор бўйича овоз беришда иштирок этмаган бўлсалар ёки уни қабул қилишга қарши овоз берган бўлсалар.

VIII. Якуний қоидалар

8.1. Ушбу Низом Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Ушбу Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Жамият Кузатув кенгаши раиси ҳамда Қўмита аъзолари томонидан киритилиши мумкин.